



Умумтаълим Мактабларининг Ўзбек Тили Дарсларида Ўқувчиларда Нотиқлик Маданиятини Ривожлантириш

Аллаёрова Дилфуза

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада умумтаълим мактабларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг нотиқлик маданиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада ўзбек тили дарсларида қўлланиладиган интерактив методлар (ролли ўйинлар, нутқ мусобақалари, лойиҳавий ишлар)нинг педагогик имкониятлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: нотиқлик маданияти, ўзбек тили таълими, коммуникатив компетенция, интерактив методлар, риторика, нутқий кўникмалар, педагогик технологиялар ва бошқалар.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты развития ораторской культуры учащихся на уроках узбекского языка в средних школах. Также анализируются педагогические возможности интерактивных методов (ролевые игры, конкурсы ораторского искусства, проектная работа), используемых на уроках узбекского языка.

Ключевые слова: ораторская культура, преподавание узбекского языка, коммуникативная компетентность, интерактивные методы, риторика, навыки речи, педагогические технологии и др.

Abstract: This article examines the theoretical and practical aspects of developing students' oratory skills in Uzbek language classes in secondary schools. It also analyzes the pedagogical potential of interactive methods (role-playing games, public speaking competitions, project work) used in Uzbek language classes.

Keywords: oratory skills, teaching Uzbek, communicative competence, interactive methods, rhetoric, speech skills, pedagogical technologies, etc.

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири — ўқувчиларда юксак нутқ ва нотиқлик маданиятини шакллантиришдир. Зеро, фикрини эркин, раво ва ишончли тарзда баён эта оладиган ёшлар нафақат дарс жараёнида, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этади. Улар турли вазиятларда ўз нуқтаи назарини асослаб бера олади, самарали мулоқот қилади ва атрофдагилар билан соғлом муносабат ўрнатишга муваффақ бўлади. Шу боис мактаб таълимида нотиқлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратиш давр талаби ҳисобланади.

Нотиқлик маданияти фақатгина чиройли гапириш ёки бой луғатдан фойдаланиш билан чекланмайди. У адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш, фикрни мантиқий ва изчил тарзда ифода этиш, тингловчининг диққатини жалб эта олиш ҳамда нутқни вазият



ва аудиторияга мос равишда ташкил этиш каби муҳим жиҳатларни қамраб олади. Бундай кўникмалар эса ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, мустақил фикрлаши ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараённинг самарадорлиги, аввало, ўқитувчининг касбий маҳоратига, нутқ маданиятига ва дарсларнинг мазмунли ташкил этилишига боғлиқ. Ўқитувчи ўзининг равон ва таъсирчан нутқи, мулоқот маданияти ҳамда ижодий ёндашуви билан ўқувчилар учун ибрат бўлади. Шу билан бирга, замонавий педагогик технологиялар ва интерактив методлар дарс самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Баҳс-мунозаралар, ролли ўйинлар, такдимотлар, ижодий топшириқлар ва жамоавий лойиҳалар ўқувчиларни эркин фикрлашга, ўз қарашларини далиллар асосида ҳимоя қилишга ва жамоат олдида ишонч билан сўзлашга ўргатади.

Натижада ўқувчиларда нутқ маданияти, ижодий тафаккур, мулоқот маданияти ва нотиклик маҳорати босқичма-босқич такомиллашади. Улар тинглаш ва фикр алмашиш маданиятини эгаллайди, ўз сўзига масъулият билан ёндашишни ўрганади. Энг муҳими, бундай ёндашув келажакда билимли, ташаббускор, фикрини эркин ифода эта оладиган ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган баркамол авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам асос яратади.

Юртимизда нутқ маданиятини юксалтириш, давлат тилининг нуфузини мустаҳкамлаш ва муомала одобиغا риоя этиш масалалари давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни [1] ҳамда Президентимизнинг ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини янада юксалтиришга қаратилган Фармони [2] билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилидан тўғри ва маданиятли фойдаланиш, адабий тил меъёрларига амал қилиш ҳамда юксак муомала маданиятини қарор топтиришга хизмат қилади. Бу эса ёш авлодда нутқ маданиятини шакллантириш ва тилга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашнинг муҳим ҳуқуқий асосини яратади.

Халқимиз азалдан сўз қудратига юксак баҳо бериб келган. Буни халқ оғзаки ижодида авлоддан авлодга ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзларда яққол кўриш мумкин. Жумладан, “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”, “Ўзингга қараб кутарлар, сўзингга қараб қузатарлар” каби нақллар ҳар бир айтилган сўзнинг ўзига хос қадри, таъсири ва масъулияти борлигини англатади. Зеро, инсоннинг маданияти, маънавий савияси ва ички дунёси, аввало, унинг нутқи орқали намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фикрни ўринли, мулоҳазали ва таъсирчан тарзда ифода этиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ донишмандлиги инсонни ҳар бир сўзнинг мазмуни ва оқибати ҳақида ўйлаб гапиришга, тил имкониятларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланишга ундайди. Бундай ҳаётий ҳикматлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, ёш авлодда юксак нутқ маданияти, масъулиятли мулоқот ва нотиклик маҳоратини шакллантиришда муҳим маънавий асос вазифасини бажаради.

Тилшунос олим Н. Маҳмудовнинг қайд этишича, “Ўқитувчининг нутқи ноқис, заиф бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, ўзига ҳам, ўқувчига ҳам



жабр. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш тажрибаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий эҳтиёждир. Ўқитувчи равон ва гўзал ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларини мафтун этиб, бермоқчи бўлган билимини ёш авлод шуурига осонликча сингдиради. Зотан, она тили миллий маънавиятимизнинг, дунёни теран идрок этишимизнинг заминидир” [3, 28].

Нотиклик санъатининг илмий таърифига кўра, риторика – бу “нотиклик санъати ҳақидаги фан бўлиб, у аудитория олдида нутқ қилиш маҳоратини, ўз нутқи ёрдамида тингловчиларга самарали таъсир қилиш сирларини, нотиклик маданиятини ўргатади” [4, 7].

Ўқувчиларда юксак нотиклик маданиятини шакллантириш, энг аввало, ўқитувчининг шахсий маҳорати ва нутқий намунасига бевосита боғлиқ. Чунки ўқувчи, биринчи навбатда, дарс давомида устозининг сўзлаш услуби, фикрни баён этиш маданияти ва тингловчига таъсир ўтказиш маҳоратидан ибрат олади. Шу боис педагог нафақат ўз фанини чуқур билиши, балки равон, мазмунли ва таъсирчан нутқ соҳиби ҳам бўлиши зарур. Айниқса, ўзбек тили ва адабиёти дарсларида бу вазифа янада муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фанлар ўқувчиларнинг нутқий саводхонлиги, фикрлаш маданияти ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш учун кенг имконият яратади.

Замонавий таълим эса ёшларни фақат она тилида эмас, балки чет тилларда ҳам эркин ва ишончли мулоқот қила оладиган шахс сифатида тарбиялашни мақсад қилади. Бу мақсадга эришишда она тилида шаклланган мустаҳкам нутқий кўникмалар муҳим пойдевор вазифасини бажаради. Фикрини аниқ, мантиқий ва изчил ифода эта оладиган ўқувчи янги тилларни ҳам осонроқ ўзлаштиради, мулоқот жараёнида ўзини эркин тутати ва турли вазиятларда самарали фикр алмашишга қодир бўлади. Демак, ўқитувчининг шахсий намунаси, дарсларнинг мазмунли ташкил этилиши ва нутқ маданиятига доимий эътибор қаратилиши ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек тили дарсларида нотиклик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Лингвистик меъёрларни ўзлаштириш – тўғри талаффуз (орфоэпия), урғу, сўзларни тўғри танлаш ва қўллаш, шунингдек, жумлаларни грамматик жиҳатдан бенуқсон тузиш;

Баҳс-мунозара ва мулоқот кўникмаларини ривожлантириш – дарсларда муаммоли вазиятлар яратиш, кичик гуруҳларда муҳокамалар олиб бориш, ўз фикрини далиллар билан ҳимоя қилиш;

Матн устида ишлаш ва оғзаки ҳикоя қилиш маҳорати – берилган мавзу ёки бадиий асар асосида қисқача, мантиқий кетма-кетликда оғзаки ҳикоя тузиш, фикрни ихчам ва таъсирли ифодалаш;

Новербал мулоқот воситаларидан фойдаланиш – нутқ жараёнида мимика, имо-ишора, тана ҳаракатлари ва нигоҳдан мақсадли фойдаланишни ўргатиш;

Нутқнинг коммуникатив сифатларини тарбиялаш – тингловчилар аудиториясини ҳис қилиш, мулоқот маданияти, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ҳамда мавзуга оид тезкор ва эркин фикр билдириш малакаларини шакллантириш.[5, 28]



Мактаб таълимида ўқувчиларнинг нутқий фаоллиги ва нотиклик маданиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар тизимли ва мақсадли ташкил этилганда юқори самара беради. Бу жараёнда замонавий интерактив методлардан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг дарсадаги фаоллигини оширади, мустақил фикрлашини рағбатлантиради ҳамда эркин ва таъсирчан мулоқот қилиш кўникмаларини мустаҳкамлайди. Қуйида ушбу мақсадга эришишда самарали ҳисобланган айрим интерактив методлар келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

– Ролли ўйинлар: ҳаётий вазиятларни (интервью, савдо жараёни, расмий учрашув) сахналаштириш орқали ўқувчиларнинг мулоқотга киришиш ва эркин гапириш кўникмалари ривожлантирилади;


– Нутқ мусобақалари: “Энг яхши ҳикоячи” ёки “Энг зукко нотик” сингари тадбирлар ўқувчиларнинг изланиш фаоллигини ва нутқий ижодини рағбатлантиради ;

– Лойиҳавий ишлар: ўқувчилар жамоа бўлиб муайян мавзуда тақдимот (презентация) тайёрлаш ва уни синф олдида ҳимоя қилиш орқали оммавий чиқиш маҳоратини оширади ҳамда талабаларнинг жамият олдида гапиришдаги ички тўсиқларни енгишига кўмаклашади. [5, 28].

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўзбек тили дарсларининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда юксак нутқ ва нотиклик маданиятини шакллантиришдан иборат. Чунки фикрини аниқ, равон ва ишончли ифода эта оладиган ёшлар жамият ҳаётида фаол иштирок этади, турли вазиятларда самарали мулоқот ўрната олади. Шунинг учун дарс жараёнида ўқувчиларни адабий тил меъёрларига амал қилишга, фикрни мантикий изчилликда баён этишга, тингловчиларнинг эътиборини жалб эта олишга ҳамда бой луғат захирасидан ўринли фойдаланишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараённинг самарадорлиги, аввало, ўқитувчининг касбий маҳорати ва шахсий нутқ маданиятига боғлиқ.

Педагогнинг таъсирчан нутқи, мулоқот маданияти ва дарсни қизиқарли ташкил этиш маҳорати ўқувчилар учун энг яхши намуна ҳисобланади. Айни пайтда ролли ўйинлар, нутқ мусобақалари, баҳс-мунозаралар, лойиҳавий ишлар каби интерактив методлар ўқувчиларнинг фаоллигини оширади, уларни мустақил фикрлашга ва эркин сўзлашга ундайди. Шу билан бирга, нутқнинг лингвистик, коммуникатив ҳамда новербал жиҳатларига комплекс ёндашув қўлланилганда ўқувчилар нафақат тўғри сўзлашни, балки тингловчилар билан самарали мулоқот ўрнатиш, ўз фикрини ишонч билан ҳимоя қилиш ва жамоат олдида эркин чиқиш қилиш кўникмаларини ҳам мустаҳкам эгаллайди. Бу эса уларнинг шахсий камолоти ва келгусидаги ҳаётий муваффақияти учун муҳим пойдевор вазифасини бажаради.

Хулоса қилиб айтганда, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг нутқий ва нотиклик компетенцияларини ривожлантириш бугунги таълим тизимининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ўз фикрини аниқ, асосли ва таъсирчан тарзда ифода эта оладиган ўқувчи нафақат таълим жараёнида, балки келажакдаги касбий ва ижтимоий фаолиятида ҳам юқори натижаларга эришиш имкониятига эга бўлади. Бу борада дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, интерактив методлардан мақсадли ва изчил фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг дарсадаги фаоллигини оширади, мустақил ва танқидий



фикрлашга ундайди, баҳс-мунозараларда эркин иштирок этиш ҳамда ўз нуқтаи назарини далиллар билан ҳимоя қилиш кўникмаларини мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, уларнинг луғат бойлиги кенгаяди, нутқ маданияти юксалади ва мулоқот қилиш маҳорати такомиллашади.

Энг муҳими, бундай таълим муҳити ижодкор, ташаббускор, мулоқот маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти ривожланган ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллай оладиган баркамол авлодни тарбиялашга мустаҳкам замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни. 1989 йил 21 октябрь. № 3561-XI (1995 йил 21 декабрдаги янги таҳрири).
2. Қаранг. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 21.10.2019 yildagi PF-5850-Son Farmoni.
3. Mahmudov N. Ma’rifat manzillari. – Toshkent, 1999. – 28-b.
4. Qahhorov I. Notiqlik san’ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015. – 7-b.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. – 180 b.
6. Йўлдошев Ў.Е., Боқиева Г.Х. Нутқ маданияти асослари. – Toshkent: Fan, 2014. – 112 b.